



«Ёшлар йили» муносабати билан мактаб, муассаса жойлашган маҳалла ва уй-жой мулкдорлари ширкати ҳамкорликда яқин ҳудуддаги ташландиқ жойда «Ёш бунёдкорлар боғи» ташкил этганлиги ибратли жиҳатдир. Мазкур боғ ҳозирда болаларнинг дам оладиган севили масканига айланган.




Меҳнаткашлар ва ёшларнинг санъатга бўлган қизиқишини ўстириш мақсадида ўтказилаётган фестивалда 6 та йўналиш бўйича голиблар аниқланди.



Хитой пойтахтида давом этаётган XXIX ёзги Олимпиада уйинларида мамлакатимиз вакилиси Екатерина Хилько трамполин баҳсларида 36,90 балл туғлаб, бронза медалини қўлга киритди.

Insonga naf keltirish — oliy baxt

Ishonch



Инсонга хос орзу-интилишларни рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёсла-сак, ўйламанки, ўринли бўлади.

Ислом ҚАРИМОВ

2008-yil 19-avgust № 99 (2512) seshanba

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan

Замон андозаларига мос

Тошкент марказий темир йўл вокзалига ҳар кун мамлакатимиз ичидан ва халқаро рейсларда қатновчи ўнлаб поездлар келиб-кетиши. Бу ерда йўловчиларга барча шароитлар яратилган. Замонавий қулайликларга эга кўчиш зали, дам олиш хоналари ва маълумотлар хизмати шулар сирасидан. Республика ичда ҳафтасига 44 та рейс амалга оширилади. Кунига 3000-3500 нафар йўловчи турли манзилларга жўнаб кетади. Айниқса, тезюрар поездлар қатнови яхши йўлга қўйилганлиги уларга қулайлик туғдирмоқда. Жумладан, Тошкент—Самарқанд йўналиши бўйича ҳаракатланувчи «Регистон» тезюрар поезди ҳафтада 5 мартаба қатнаса, «Шарқ» тезюрар поезди ҳар кун йўлга чиқади. Шунингдек, ҳафтада 15 та халқаро йўналишда поездлар қатнови йўлга қўйилган.

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар



Хизмат сафари билан Жиззахга кетаяпмиз. Янгийўлдан ўтгач, ҳайдовчи автобусни четга олди. Йўловчилар сафига бир неча киши қўшилди. Улар орасида бир қария ҳам бор эди. Олдинги қаторда ўтирган атлас қўлакли хушбичимгина қиз ўрнидан туриб, илтифот кўрсатди. Қария раҳмат айтиб, обдон кўнишиб олгач, сўради: — Қизим, йўл бўлсин? — Жиззахга. — Ҳа. — Нега унда жойингни бердинг, бора-боргунча толиқиб қолсан-ку! Қизнинг жавобидан бу сўхбатга беҳтиёр ғувоҳ бўлиб турган барчанинг кўнглига гўё зий таралди. — Агар мен ўтириб, сиз туриб кетсангиз бешбаттар толиқардим.

ДАРАХТ ИЛДИЗИГА ТАЯНАДИ

Вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг ўринбосари Аъзамхон Иштиёров ҳамроҳлигида Ёшлар шаҳарчаси билан танишар эканмиз, ўша атлас қўлакли, шарқона одобахлоки ила кўнглимизни ром этган қиз ёдимизга тушаверди. Ким билсин, балки Ёшлар шаҳарчасининг ўнг биқинида жойлашган педагогика институтига ўқир, балки сал наридаги политехника институтига талабасидир. Эҳтимол хоразмликларга ҳавасланиб, махсулотларига кун сайин кўрк беришга астойдил интилаётган гилам ишлаб чиқариш корхоналаридан бирида меҳнат қилар. Нима бўлганда ҳам у ҳозир шу ерда, яқин атрофимизда, тасаввуримизни тобора бойитиб турган хуррам ҳис-туйғуларга сингиб бораётгани аниқ эди. Омадимиз бор экан, «Ёшлар маркази» да бир-биридан эзук ва энг муҳими, катталарнинг қўлидан ишини олишга ҳозир-

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизда 16-17 август кунлари умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтди.

Ҳашарни ташкил этиш ва уюшқоқлик билан ўтказиш бўйича иш олиб борган Республика ишчи гуруҳидан маълум қилишларича, икки кунлик ҳашарда қарийб 15 миллион нафар ватандошимиз иштирок этган. Уларнинг ярмидан кўпине навқирон авлод вакиллари ташкил этгани йигит-қизларнинг ҳамиятимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида фаоллиги тобора ошиб бораётганидан далолатдир. Ҳашар кунлари, одатдагидек, кекса ва ногиронларга, боқувчисини йўқотган ёлғиз кишилар ва кам таъминланган оилаларга уй-жой шароитини яхшилаш ва моддий кўмак кўрсатиш билан боғлиқ кенг қўламли вазибалар ҳам бажарилди. Бу борада меҳр-муруват ва ўзгалар кўмагига муҳтожлар ҳамда эҳтиёжманд оилаларга 427 миллион сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилди. Ҳашар кунлари ишлаб топилган бир кунлик иш ҳақи Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси, унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги бўлимлари ҳисобрақамига ўтказилди. Бу маблағ аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламига, шу жумладан, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга, ногирон ҳамда ёлғиз кексаларга моддий ҳамда маънавий ёрдам кўрсатиши, иқтидорли ва ногирон ёшларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, «Ёшлар йили» Давлат дастурини назарда тутилган вазибаларга амалга ошириш билан боғлиқ ишларга сарфланади.

(УзА)

ҲАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллиги муносабати билан 16 — 17 август кунлари ўтказилган умумхалқ хашари Сурхондарёда ҳақиқий меҳнат байрамига айланди.

Ҳашар баҳонасида эл-улус туғлини, аввало ўз хонадонларида, кўчаларида, маҳалла-маҳаллада, кейин меҳнат жамоалари билан биргаликда ишоналари атрофида кенг қўламли ободонлаштириш ишларини амалга оширдилар. Ҳашарчилар гул кўчатлари, дов-даракларга шакл бериб, чор-атрофни турли хил чиқиндилардан тозалашди. Сўнг хашарчилар зиёратгоҳларни ободонлаштиришга киришдилар. Шу кун Сурхондарёдаги бағрикенг, қўли очик тадбиркорлари кам таъминланган оилалар, ногиронлар ҳолидан хабар олишди. Уларга совға-салом улашди. — Икки кун давомида бўлиб ўтган ҳашарда 1645 та бошланғич ташкилотга бирлашган 600 мингдан ошмиқ қасаба уюшма аъзоси ҳам фаол иштирок этди. Улар иш бевуқилар билан келишиб, марҳум сафдошларининг оилаларига, сўнгра ўзлари билан бирга ишлаган пенсионерларнинг хонадонини ташириб буюриб ҳолидан хабар олишди. Айниқса, Соғлиқни сақлаш, Таълим ва фан ходимлари, Саъдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари вилоят қасаба уюшмаси кенгаши ва вакилликлари ходимлари барчага ўрнатилди, — дейди Сурхондарё вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси А.Аҳмедов. — Ушбу йилнинг мамлакатимизда «Ёшлар йили» деб аталган байрамларимизга ҳам ўзгача жозоба бахш этмоқда, — дейди Қумўртўрадаги «Мустақиллик» МФЙ раиси Жовли Журқобилев. — Ҳашарда фуқароларимиз фаол иштирок этди. Худудимиздаги истироҳат боғини, ариқ-зовурларни тоза-

Рустам ДАВЛАТ, «Ishonch» муҳбири

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН...

Энг улуг ва энг азиз байрамимиз олдиндан уюштирилган умумхалқ хашари Қашқадарё вилоятда ҳам юсқоқлик билан ўтди. Қарши шаҳридаги Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғига мактаб ўқувчилари, коллежлар ва олий ўқув юрталарининг талабалари хашарга чиқдилар. Бу ерда кенг қўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. 60 гектарлик ҳудудни ағгаллаган дам олиш масканидидаги гулзор ва хиёбонлар тартибга келтирилди. Қадимий ва ҳамиша навқирон Шаҳрисабзда кўпни кўрган қариялар, оқсоқоллар ёшларга ўрнатилди. Уларга «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси Б.Эргашев, қасаба уюшмалари мувофиқлаштириш кенгаши раиси Ф.Маматовлар раҳбарлик қилдилар. Шаҳардаги Амир Темури хиёбони ободонлаштирилди. Кўп қаватли уй ва ҳовлилар атрофи, гузарлар, қабристонлар тозаланди. Вилоятдаги «Шўрбанефтьгаз», «Муборакнефтьгаз» унитар шўъба корхоналари, Муборак газни қайта ишлаш заводи, Шўртангаз-кимё мажмуаси ходимлари хашарда фаоллик кўрсатиш билан бирга, бир кунлик иш ҳақларини «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳисобига ўтказдилар. Шу кун 500 дан ортиқ кам таъминланган оилалар, ногирон ва ёлғиз кексаларга моддий, маънавий ёрдам кўрсатилди. ИZZAT ҲИҚМАТОВ, «Ishonch» муҳбири

МАЪНАВИЙ КОМИЛЛИК САРИ

Юртбошимизнинг «Юсқоқ маънавият — энгилмас куч» асарига истиқлол туфайли қайта тикланган миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, аждодларимиздан қолган бой меросимизни чуқур ўрганиши, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, инсонпарварлик гоғларини кенг тарғиб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Жойларда маънавиятнинг инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида теран фикр-мулоҳазалар юритилган ушбу китобнинг мазмун-моҳияти, унда илгари сурилган гоғларни юртдошларимиз, айниқса ёшлар онгу шуғрига синдириш мақсадида учрашув, сўхбатлар давом этмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Нукус ҳарбий горнизони офицерлар уйда бўлиб ўтди. Унда Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қисмлари офицер ва аскарлари, олим ва мутахассислар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Учрашувда маънавият инсонни руҳан покляниш, қалбдан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-этиқодини мустаҳкам қиладиган беқиёс куч экани алоҳида таъкидланди. Дарҳақиқат, маънавият инсон қонига она сuti, оила тарбияси, аждодлар ўғити, Ватан туйғуси орқали киради. Юрт равнақи, миллат тараққиётини юсқоқ маънавиятти ёшлар белгилайди. Мазкур асар, шу маънода, халқимизнинг тафаккури ва дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилади.

А.ОРТИҚБОВЕВ, УзА муҳбири

Жанубий Осетия учун инсонпарварлик ёрдами

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимиз ҳукуматида Жанубий Осетиядаги ҳарбий можаро оқибатида жабрланган аҳолига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш учун 250 минг АҚШ доллари ажратишни топширди. Турли қурилиш материаллари, жумладан, цемент, шунингдек, озик-овқат, дори-дармон, кўрпа-тўшак ҳамда энг зарур товарлардан иборат инсонпарварлик юқини етказиб бериш Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигига топширилди.

(УзА)



(Боши 1-бетда)

Вилоятимиздаги олий таълим муассасаларида тахсил олаётган талабаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ёзи таътилда уларни вақтинчалик иш билан банд этиб қўшимча даромад олишига имкон яратиш мақсадида «Бунёдкор» талабалар меҳнат отрядлари ташкил этилди. — дейди «Камолот»нинг вилоят кенгаши бўлим мудирини Фахриддин Қобилов. — Жами 750 нафар талаба бугунги кунда «Наврўз айёми» фирмаси билан имзоланган шартномага кўра Жиззах шаҳрида ёш оилалар учун бунёд этилаётган кўп қаватли уйлар қурилишида қатнашмоқда.

Бундан ташқари, уларни қурилиш-монтаж, канал-зовурларни тозалаш,



Зомин тоғлари

экинларга ишлов бериш жараёнида ўз қасбини усталари билан тенгматенг ишлаётган ҳолатда учратиш мумкин. «Ёшлар экологик боғининг кўрк очинишда ҳам талабаларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Жиззах шаҳри марказида 65,8 гектар ерда барча қўлайликларга эга бўлган шаҳарча лойиҳа бўйича уч босқичда барпо этилади. Ёшлар саноатлиги, Ёшлар боғи ва Ёшлар маркази ҳозирда ноқ кўзга ташланиб қолди. Шаҳарчининг ҳар икки томонида рамзий дарвозалар, фаввора ва турли павилонларни айтмайсанми! Халқ таълими вазирилик маблағи ҳисобидан Жиззах давлат педагогика институтини талабалари учун ётоқхона қурилиши билан бир қаторда, юқорида тилга олиб ўтилганидек, «Ёшлар йили» давлат дастури асосида оилали талабалар учун иккита, ҳар бири 16 хонадонли уй қад ростланадими. Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси маблағи

ҳисобига қизлар учун гимнастика зали барпо этилиши ҳам айтиш мумкин бўлади.

Лойиҳада Ёшлар шаҳарчаси худудидаги «Бахт уйи», «Маҳалла» хайрия жағмараси ва «Камолот» биноларини таъмирлаш ҳам кўзда тутилган бўлиб, айтиш мумкин бўлиб, айни пайтда бу ишлар якунланмоқда. Спорт майдончалари, дам олиш масканлари, замонавий кўришнига эга чархпалаклар, сунъий шаршаралар охири-охири шаҳарчининг мукамал бир қиёфа касб этишини таъминлайди.

Рамзий дарвоза олдида неварасига гап уқтираётган бобонинг сўзлари бизга ҳам маъқул туюлди.

— Эл тўқ бўлса, юрт обод бўлади. Обод юртда эса бахтиёр инсонлар яшайди.

НИЯТИ УЛУҒНИНГ ҚАДАМИ ҚУТЛУҒ

Пахтакор туманидаги «Алҳам» фермер хўжалиги раҳбари Х.Жўраевнинг ютуқлари, очиги, ҳар кунни кўравериш, эшитавериш ўрганиши бўлиб қолган манзарани эслатади.

Фермер бўлур ва ундан аввалги йилларда бўлгани каби давлатга галла сотиш режасини бажарибди, 27,1 гектар ердаги ғўза ривож мўлжалдаги ҳосилни олиш имко-

нини берадиган даражада экан. Мутахассислар фикри ҳам шунга тасдиқлаб турибди.

Лекин суҳбатимиз кўр олгани сайин бу ерда жуда катта ишлар қилинганга амин бўлди.

— Салкам 50 гектар ерда деҳқончилик қиламиз, — дейди фермер. — Саққиз нафар аъзоимиз бор. Галла ўрми тугаган, ҳосил чўғига қараб уларнинг ҳар бирига 2 тоннадан бугдой тарқатдик.

Фермер, шунингдек, соф даромадининг ўзи 8,5 млн. сўмдан ортиқ бўлганини, шароитдан келиб чиққан ҳолда 2 тонна галла кам таъминланган оилаларга берилганини айтиди.

Аслида бундай гаплар ҳам қулқоққа таниш. Бундан-да кўпроқ ҳиммат кўрсатган фермерларни биламиз. Ижтимоий ҳамкорлик деганини шу-да: қўли узун қўли қалтага қайишди, у эса бировнинг қўлига қараб қолмаслик учун бошлаган ҳаракатини бўшаштирмаслик пайида бўлади. Бо-

зор муносабатлари кириб борган ҳойда бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Ваҳоланки, бундан ўн етти йил аввал...

Мамлакатимиз раҳбари Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент девонининг давлат мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган кўшма мажлисида шундай деган



эди: «Ўша қалтис ва мураккаб даврда юртимизда бор-йўғи ўн-ўн беш кунга етадиган бугдой ва ун захираси қолгани, мамлакат амалда очарчилик оstonасига келиб қолганини бир тасаввур қилайлик...»

Тасаввур қилиш, таассуфки, унчалик қийин эмас. Ғоҳ қурғоқчилик, ғоҳ сув тоқинларни тўфайли кўз тикиб тургани урвоқина ҳосилдан ҳам маҳрум бўлиб, бошга яна не балолар ёғишини билганидан саросимага тушган «қора қитъа», шунингдек, кун сайин озик-овқатнинг нархи кўтарилиб бораётган Марказий Америка давлатларидаги норозилик чиқишларини телевизорда кўравериш одамларимиз қайси замонда яшаётганликларини ҳеч бир тарғибот-ташвиқотсиз ҳам жуда яхши билиб олишди. Юртбошимизнинг истиқлоқнинг илк кунлариданок галла мустақиллиги ҳақида сўз очиб, бу йўлда қилиш мумкин бўлган барча ишларни амалга оширишга шахсан ўзи бош-қош бўлганининг асил моҳияти бугун бутун шакл-шамойили билан намойён бўлмоқда.

Болажон халқимиз. Бизга фарзандларимизнинг бахтидан ортиқ саодат йўқ. Фермер Х.Жўраевнинг ҳам бутун фикри-ҳавли эл фаровонлигига фарзандларининг ёрқин келажагини таъминлашга қаратилганлигини англадик.

— Тўрт фарзандим бор, — дейди фермер. — Қизим Дилшода Жиззах давлат педагогика институтига ўқийди. Ўғлим Акбар — Жиззах авиация олий мактаби талабаси... Етмиш тўрт ёшли Буслима ая эрта-ю кеч дуо қилишдан чарчамайди.

— Илоҳим, юртимизга тинчлик, рўзгоримизга тўқнлик, хайри ишларимизга кут-баракато қилгин, — дейди у.

ҲАР БИР ИНСОН АРДОҚДА

Ўзбекистон Конституциясининг 37-моддасида, жумладан, шундай дейи-

лади: «Ҳар бир шахс меҳнат қилиши, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шартлоарида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир».

Хўш, бу борада қандай ишлар амалга ошириляпти? Батафсил маълумот олмақчи бўлган одам тўппа-тўғри қасаба уюшма-

хизмат кўрсатиш шохбчаси, кишлоқларда 3 та врачлик пункти қурилиб фойдаланишга топширилди. 1444 ўқувчига мўлжалланган мактаблар тўлиқ реконструкция қилинди.

Жами 17.487 та, жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўлиб 6161 та, қасана-чиликни ташкил этиш

дай инсонни ғайрат билан ишлашга ундайди.

— Қарс икки қўлдан чиқади, — дейди Форш туманида яшовчи Эркин Алдатов. — Инсоннинг бошига ҳар хил кўнлар тушади. Шундай бўлдики, мен ҳам моддий жиҳатдан бироз қийналиб қолдим. Умридан барака топсин, қасаба уюшмаси фаолла-

ри қараб турмади, дарҳол ёрдам беришди. Кимнинг кимлиги шунақа пайтда билинар экан.



ЎТМИШНИ ҚАЙТАРИБ ОЛГАН ХАЛҚ

Ўша кунни бир гуруҳ қариялар вилоят ҳокимлиги олдида махсус автобусда навабдаги саёҳатга йўл олишди. Бу сафар улар Бахмал туманида

ри қараб турмади, дарҳол ёрдам беришди. Кимнинг кимлиги шунақа пайтда билинар экан.

Келажагини эгалари.



қизларга берилаётган имтиёزلар диққатга сазовор. Болага қараш таътилга чиқаётган аёлларга энг кам иш ҳақи миқдоридан ёрдам пули ажратилмоқ-

бўлиб, «Ўсма ота», «Новқа ота» ва «Боғи мазор» (уни «Сайид Мир Халилulloҳ ота» ҳам дейишди) зиёратгоҳларини таъвоф қилишни дилларига туккан эди.

— Бундай сафарларни уюштириш кейинги йилларда анъанага айланиб қолди, — дейди фалсафа фанлари номзоди, доцент Сироҷон Ғозиев. — Яқинда қарияларимиз Янгиобод туманидаги «Хўжамуқент ота» ҳамда Галлабол туманидаги «Саъд ибн Абу Ваққос» зиёратгоҳларида бўлиб қайтишганди. Ҳаммасидан ҳам буюқ аждоқларимиз қолдирган тарихий меросга ёшларимизнинг қизиқиши йил сайин ортиб бораётганини қандайдир қизиқтириш туйғуларини уйғотди. Осори-атикаларни таъмирлаш ва археологик қазилмаларда уларнинг ҳам фаол иштирок этаётгани айниқса қувончлидир.

— Шунинг учун ҳам Дўстлик деб аталади-да. — Энг муҳими, ҳамма бир-бири билан оға-ини, бир қориндан талашиб тушгандек ахил. Ораларидан қил ўтмайди, — гўё хулоса ясайдиган хизмат сафаридан бизга ҳамроҳлик қилган ҳамкасбимиз.

Ғалдан гап чиқиб, Кўчим ота Жабборов ҳақида сўзлаб беришди. Барча жойнинг эътироф

шима, жами 372 та маданий мерос объекти давлат муҳофазасига олинган.

Буларнинг ҳаммаси истиқлол тўғайлидир. Бундан қирқ йил муқаддам, ўттиз йил аввал, хатто йиғирма йил илгари айнан шу хатти-ҳаракатлар учун танбеху-у дашномлар тошбўронидан омон қолишнинг ўзи амримаҳол эканлигини кексаларимиз яхши билишди. Сирдан қараганда гўё тил, маданият ва санъат ривожини учун кенг йўл очиб қўйилгандек туюлса-да, масалага «чуқурроқ кириб бориш» ўша заҳоти миллий маҳдудлик сифатида баҳоланар эди.

— Президентимиз Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобини қайта-қайта ўқиб қилдим, — дейди меҳнат фахрийси Карим Тағमतов. — Унда баён қилинган қуйма хулосалар руҳида тарбия топадиган бугунги ёшлар сафида бўлиб қолгим келди. Юртбошимиз айтмоқчи, ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажиги йўқ.

Шундан кейин ҳам барча имконият эшикларини очиб қўйилган ёшларга ҳавас қилмай кўринг-чи!

БУ ЕРДА ОҚИБАТЛИ КИШИЛАР ЯШАЙДИ

Шу тонг Дўстлик шаҳри аҳолисини ёқимли кўй-қўшиқ оханларга уйғотди. Нима дейсан, Неъмат бой ош берапти эмаш. Ўзи қурган янги ёзги тўйхонада...

Шундоққина кириверишда махсус ажратилган жойда санъаткорлар бири олиб, бири қўйиб истеъдодини намойиш қилиб туришибди.

Элат билан элатнинг осмонча фарқи бор... Кейин билсак, «Йилнинг энг кекса оқини» номинациясига сазовор бўлган Эгам Абдиев шу киши экан.

Кўшиқ сўзлари кишида ҳамиша қизиқиб уйғотувчи мавзу эшикларини очиб юборди.

— Туманда қанча миллат яшайди?

Меҳмонлар «сен гапир, сен гапир» дегандек бир-бирларига қарашди. — Кўп-оқ, — деди ниҳоят ўтирганлардан бири. — Масалан, мен қозоқман. Ёнингизда ўтирганларнинг бири тожик, бири татар. Анави ёққа қаранга, руслар ҳам, украинлар ҳам, қирғизлар ҳам бор. У ён-ён ён эллиқдан зибд миллат яшайди-ёв...

Кимдир гап қотди: — Шунинг учун ҳам Дўстлик деб аталади-да. — Энг муҳими, ҳамма бир-бири билан оға-ини, бир қориндан талашиб тушгандек ахил. Ораларидан қил ўтмайди, — гўё хулоса ясайдиган хизмат сафаридан бизга ҳамроҳлик қилган ҳамкасбимиз.

Ғалдан гап чиқиб, Кўчим ота Жабборов ҳақида сўзлаб беришди. Барча жойнинг эътироф

этилган ўз «кўча оғаси» бўлади. Тўйми, маъракаи, миллатидан қатъи назар ҳамма Кўчим отанинг маслаҳати билан иш қилади. Бу-ку майли, отанинг ўзи ҳам яхшилик қилишга эрта-кеч ҳозир-у нозир. Мусулмончилик, ўзимга деб эҳтиёт шарт олиб

Жиззах шаҳар қасал-хонаси ҳамшираси Лёла Зокирова иш устида.



қўйган қасаллигини ҳам бошига иш тушиб, қайга борарини билмай турган қўни-қўшинларга инъом қилиб юбораверади. Бундай феъл-атворли халқни ер шарининг бошқа минтақаларида учратиш қийин.

ЭРТАНГИ КҮН БУГУНДАН БОШЛанаДИ

Биз ўтган ўн етти йил давомида вилоятда амалга оширилган катта бунёдкорлик ишларига атайин ижикланиб тўхталиб ўтирмадик. Буни, энг яхшиши, жиззахликларнинг ўзидан сўраган, уларнинг яшаш тарзидан излаган маъқул. Очиги, вилоят марказига кириверишда катта йўл ёқасида қад ростлаётган қошоналарни кўриб, Тошкентнинг Уриқзор даҳаси кўз олдимизга келди. Демак, одамлар яхши яшашнинг ҳадисини олапти. Шундай иморатлар қураётгани, демак, эртанги кунга ҳам ишончи бандан...

Хусусан, ўтган ярим йилликда ялпи худудий маҳсулот ишлаб чиқариш миқдори 107,6 фоизни, пулли хизмат кўрсатиш ҳажми 122,3 фоизни, экспорт 108,3 фоизни ташкил этди. Иқтисодий ўсиш натижасида аҳоли жон бошига пул даромадлари 215 миң сўмга, харажатлар 179,8 миң сўмга тенг бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан мос равишда 45,6 ва 34,9 миң сўмга қўлайди.

Уйлаймизки, вилоят феодалларининг йиғилишида қайд этилган ушбу кўрсаткичлар Жиззахнинг бугунги қиёфаси ва салоҳиятини тасаввур қилиш имконини беради. Қилдиган ишлар эса янада кўп. Уларни ҳам ана шу тангити, меҳнатқаш ва омилқор халқ амалга оширади.

Зайниддин РИХСИЕВ, Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбирлари

Қасаба уюшма аралашувидан сўнг

ҚИССАДАН ҲИССА

Туман ҳокими А.Холматов қабулига «Абдуллоҳон деҳқон боғи» фермер хўжалигидан 11 нафар аёл иш ҳақларини ололмаётганликлари тўғрисида шикоят қилиб келди. Ҳоким ҳузурига қорлаб, тегишли мутахассислардан иборат гуруҳ тузишни, аризалар билан жиддий шугулланишни топширди.

Топшириққа биноан туман бандлик хизмати ҳуқуқшуноси ҳамда шу бўлимининг Оққўрғон кишлоқ фуқаролар йиғини бўйича нозир билан биргаликда текшириш ўтказилди. Пировадига маълум бўлдики, фермер хўжалиги раҳбари А.Рўзमतов ҳодимларни ишга қабул қилиш ва бошқа буйруқлар дафтарини талаб даражасида юрита олмаган. Айнан шикоятчи аёлларни ишга қабул қилишда ҳам қатор нуқсонларга йўл қўйилган. Иш ҳақидан қарадорлик эса сабабсиз чўзиб

қондирилди. Шунингдек, «Жов барокот» фермер хўжалиги раҳбари Н.Ашурматов 4 нафар ишчинини ишга кеч қелдирган, деган баҳона билан ноқонуний равишда ҳайдаб юборган эди. Қасаба уюшмалари аралашуви билан уларнинг ҳақ-хуқуқлари тикланди. Бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин. Кейи келганда, қасаба уюшма аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилиш бора-сида муайян ишлар амалга оширилаётганини таъкидлашни истардим. Мисол учун, тумандаги мингга яқин фермер хўжалиқларида «Меҳнат Кодекси»нинг талаблари тўлиқ бажарилишини таъминлаш бўйича туман бандлик хизмати ҳодимла-

ри билан ҳамкорликда мониторинг текширишлар йўлга қўйилди. Ўтган давр мобайнида 200 дан зиёд фермер хўжалиқларида ана шундай мониторинглар ўтказилди. Ва албатта, камчиликларга йўл қўйган фермер хўжалиқлари раҳбарлари огоҳлантирилди. Ҳужжатларни юритишда қўпол хатога йўл қўйган 24 нафар фермер хўжалиги раҳбарлари тўғрисида туман прокуратурасига маълумотнома киритилди. Иш ҳақидан қарадорликка йўл қўйган 9 нафар фермер ва 1 та акциядорлик жамияти раҳбарини номига тақдирномалар чиқарилди. Натижада иш ҳақидан қарадорликни 33 миқдон сўмга қайтаришга эришилди.

Абдувоҳид ҚОДИРОВ, АСМ ҳодимлари қасаба уюшмаси Бувайда туман кенгаши раиси

компаниясида ишлаб чиқарилган ётоқхона мебелини сотиб олишга етди.

— Бизнинг ҳам моддий аҳолимиз дуруст эмас эди, — деди Малика Қосимова. — Ҳозир ишсизман, бир фарзандим эса ногирон. «Пахта банк» туман бўлими кредит ажратди, унга қорамол сотиб олди. Рўзгоримизга кут-баракато кирди.

Шунингдек, вилоятда ёш оилаларга мўлжалланган уй-жойларни қуриш ишларига ҳам кенг эътибор қаратилаяпти. Гулистон шаҳрининг «Намуна» маҳалласида 48 оила учун кўп қаватли уйларни қуриш жадал суръатларда давом этаётир. Худди шундай уйлар Янгиер, Ширин шаҳарларида ҳам барпо этилаётир.

Анорбой НОРКУЛОВ, «Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

Ёз — 2008

ТАЪТИЛДА ҲАМ МАКТАБДА

Таътил бўлишига қарамай, мактаб кучоғи ўғил-қизларнинг шўх-шодон кулгусига тўла. Озода, бататкиз ва кўркам майдончаларда гуруҳлар ўзaro мусобақалашаётир. Бир неча ўқувчи турли суратлар чицаётган бўлса, бошқалари қўшиқ қўйлаётир.

Пойтахтимизнинг Шайхонтахур туманида жойлашган 254-мактаб қошида ташкил этилган «Қалдирғоқ» оромгоҳига таътир буюрган киши ана шундай манзаранинг ус-тидан чиқиши мумкин. Бу ерда болаларнинг таътилни мароқли ўтказиши учун барча шароит муҳайё. Улар расм, бисер, «Мохир қўллар», инглиз тили, шахмат, шашка, теннис тўғрарида фойдаланишга мўлжалланган банд бўлишяпти.

— Оромгоҳимиз фаоли-

яти тўрт босқичда ташкил этилди, — дейди мактаб директори Бахтинисо Пулатова. — Шу кунгача 382 нафар ўқувчинини дам олдиришга эришдик. Масканимизда нафақат ўзининг ўқувчиларимиз, туманидаги 13-, 45-, 85-, 157- ва 180-мактаблардан ҳам болалар келиб хордиқ чиқаришмоқда.

Ҳар кунни ранг-баранг маданий тадбирлар, мусобақалар уюштирилиши болаларнинг вақтини янада қизиқарли ўтказишга хизмат қилмоқда. Улар



билан йўл ҳаракати қоидаларини ўрганиш бўйича «Яшил чироқ» тадбири, шифокорлар сўхбати тезтез ўтказилаяпти. Мустақиллик майдони, «Хайвонот боғи»га уюштирилган саёҳатлар ёш авлод қалбида миллий ғурур, жонли мавжудотларга меҳр туйғуларини қунайтиради.

Турли танловларда фаол иштирок этаётган ўғил-қизлар муносиб рағбатлантирилмоқда. Мисол учун, 2-синф ўқувчиси Нарғиза Олимжонова «Кувноқлар ва зукколар» беллашувидан инглиз тилида равоан сўзлашти билан энг иқтидорли қатнашчи сифатида эътироф этилди. Шунингдек, 6-

синф ўқувчиси Мурод Йўлдошев, 5-синф ўқувчиси Отабек Ғаниев, 2-синф ўқувчиси Робия Навиева турли номинациялар бўйича голиб топилиб, ташаккурнома ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

«Ёшлар йили» муносабати билан маҳалла ва уй-жой мулкдорлари ширкати ҳамкорлигида яқин худуддаги ташландик жойда «Ёш бунёдкорлар боғи» ташкил этганлиги ибратли жиҳатдир. Мазкур боғ ҳозирда болаларнинг дам оладиган севилли масканга айланган.

Тўлқин ШЕРНАЕВ, «Ishonch» мухбири

Келажакка эътибор

«ЁШЛАР ЙИЛИ» ҚУТЛУҒ КЕЛДИ


«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида юртимиз келажаги бўлиши йиғит-қизларга катта ғамхўрлик кўрсатишмоқда. Янги турмуш қурган келин-кувлар учун уй-жойлар барпо этиляпти. Банклар интиёзли кредит ажратяпти. Жумладан, Сирдарё вилоятида ҳам ёш оилалар ҳар томонлама қўллаб-қувватланимоқда. Бу ҳақда сайхунбодлик Жамшидбек Низомов шундай дейди:

— Уқитувчиман, икки нафар фарзандим бор. Ота-онандан жуда эрта ағим қолдим. Қийналиб оила қурдим. Етишмовчилик сабаб рўзгоримни бутлай олмай, оворая сарсон эдим. Юртбошимизнинг ёш оила-


ларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Фармони айтиш мумкин бўлган гап бўлди. Фармонга асосан «Пахта банк» туман бўлими бир миллион сўм миқдоридан истеъмол кредити берди. Бу маблағ «Файз Холдинг»



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қошидаги Курортлар бошқармаси



*Соҳа ходимлари ва барча фуқароларни
энг улуг, энг азиз байрам —
Мустақилликнинг 17 йиллиги билан
самимий табриклайди ва бошқарма
тасарруфида фаолият юритаётган
шифобахи, мусаффо табиат қўйнида
жойлашган, турли маъданли сувларга бой,
барча шарт-шароитларга эга бўлган
санаторийларга даволаниш ҳамда дам
олишга чорлайди!*






«Ниҳол» мукофотининг янги лауреатлари

15 август куни «Истиклол» саройида 15 нафар совриндорга «Ниҳол» мукофоти тантанали равишда топширилди. Бу йил мазкур мукофотга мусика санъатининг турли йўналишлари ва хореография бўйича Гулмирахон Абдулаҳатова, Илс Арабов, Шавкат Эргашев, Азамат Муҳаммаджонов, Бехзод Абдураимов, Бунёд Саидов, Саида Саидбекова, Сирожиддин Файзиев, Муҳаббат Меҳмононова, Раъно Авазова, Саъдулла Бада-

лов, Ойбек Алимов ва Нигора Исмоилова, Дилноза Шерматова, Рашид Хўжасов, Зиёда Қобилова лойиқ топилди. Маросимда «Ниҳол»нинг янги совриндорларига ушбу мукофотлар тантанали тарзда топширилди. Маросимда «Ниҳол» мукофоти соҳиблари, санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди.

М. АМИН
(УзА) олган сурат



АБДУЛЛА ТАНГРИЕВ — КУМУШ МЕДАЛ СОҲИБИ

меърий кўрсаткичлар сезиларли даражада оширилди. Хамюртларимиз «Пекин-2008» мусобақалари дастурига киритилган юнон-рум ва эркин кураш, бокс, дзюдо, оғир атлетика, ўқ отиш, спорт гимнастикаси, байдарка ва каноэда эшак эшиш, енгил атлетика ва теннис каби ўртиндан зиёд спорт туртидан бештаси бўйича беллашувларда қатнашмоқда.

XXIX Олимпиада ўйинларида Ўзбекистоннинг биринчи медалини ҳам дзюдо устаси Ришод Собиров қўлга киритди. Спортдаги фаолияти давомида жаҳон чемпионати совриндори ва қитъа чемпиони бўлган А.Тангриев XXIX Олимпиада ўйинларида дастлаб Германия-

лик жаҳон кубоги соҳибига бўлиб Андрес Толзер устидан ғалабага эришди.

Иккинчи учрашувда ҳамюртими эга польшаллик Януш Войнарович рўбарў келди. Қўшимча вақтгача давом этган мазкур баҳсда А.Тангриев чиройли усул ишлатиб, 169 килограмм вазнга эга рақибини гиламга қулатди.

Навбатдаги баҳсда Абду-

ла Тангриев Франциялик жаҳон чемпиони Тедди Ринер устидан зафар кучди. Аммо, финалда япониялик Сатоши Ишининг қўли баланд келди.

— XXIX Олимпиада ўйинларида муваффақиятимиз энг улуг, энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 17 йиллигига бағишлайман, — деди А.Тангриев. — Халқаро майдонларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш, Ватанимиз обрў-эътиборини ошириш хар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.



ЕКАТЕРИНАНИНГ БРОНЗА МЕДАЛИ

Хитой пойтахтида давом этаётган XXIX эъги Олимпиада ўйинларида мамлакатимиз вакиласи Екатерина Хилько трамплин баҳсларида 36,90 балл тўплаб, бронза медалини қўлга киритди.

1982 йилда туғилган маҳоратли спортчимиз Жаҳон кубоги ва Осиеў ўйинлари совриндоридир. Шундай қилиб, юртимиз атлетлари Олимпиада ўйинларида қўлга киритган медаллар сони учтага етди. Эслатиб ўтамиз, бунгача дзюдочиларимиздан Абдулла Тангриев кумуш, Ришод Собиров бронза медалга сазовор бўлган эди.



ВАДИМ МЕНЬКОВ — ФИНАЛДА

Хитой пойтахтида давом этаётган XXIX эъги Олимпиада ўйинларида Байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича беллашувлар кизгин паллага кирди. Эрақлар ўртасида 1000 метрга каноэда эшак эшиш бўйича мусобақа Осиеў ўйинлари голиби ва қитъа чемпиони Вадим Меньков учун омадли яқунланди.

Иккинчи гуруҳ баҳсида қатнашган

моҳир спортчимиз бир километрлик масофани биринчи бўлиб босиб ўтди ва мазкур гуруҳдан финалда иштирок этиш ҳуқуқини берадиган ягона йўланманни қўлга киритди. Финал беллашувлари 22 августга белгиланган.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
УзА мухбири,
Пекин

АЛОҚАЧИЛАР ШИДДАТИ «ЁШЛАР ЙИЛИ»ГА БАФИШЛАБ

Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон республикаси алоқачиларининг шахмат, шашка, стол тенниси ва арқон тортиш бўйича мусобақалари бўлиб ўтди.

Умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин Қўнғирот, иккинчи ўрин Чимбой, учинчи ўрин Хўжайли туманлари вакилларига насиб этди.

Ҳалилар қўнғирот вакиллари билан тақдирланди. Шунингдек, биринчи ўрин соҳиблари Тошкент шаҳрида бўладиган мусобақанинг финал босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Раҳимжон БОЛТАБОВ

Иzzат ҲИҚМАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Санъат фестивали

Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги арафасида юртимизнинг барча гўшаларида турли тантанали тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Шулардан бири «Ўзбекистон, сени кўлайман» санъат фестивалидир. Тошкент вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раёсатининг 2007 йил 25 декабрдаги қарори асосида ўтказилаётган ушбу тадбирнинг вилоят босқичи шу йилнинг 15 август куни Олмалиқ шаҳрининг «Металлург» маданият саройида бўлиб ўтди.

Меҳнаткашлар ва ёшларнинг санъатга бўлган қизиқишини ўстириш мақсадида ўтказилаётган фестивалда 6 та йўналиш бўйича голиблар аниқланди. Улар орасида «Бекободцемент» ОТХЖ вакили И.Алиқулов, Паркент тумани таълим ва фан ходимларидан иборат, И.Мақсудов раҳбарлигидаги «Зиё» дастаси, «Ўзметкомбинат» АИБ аъзоси М.Наврўзбоева, Олмалиқ шаҳар марказий шифохонаси шифокори С.Сайдалиев, «Максам-Чирчиқ» ОТХЖ



рақс дастаси ва яқна рақсда шу корхона ишчиси М.Таймуразовлар республика босқичига йўланмани қўлга киритди.

Фестивал очилишида Тошкент вилояти қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси М.Тўлаганова қатнашчиларни байрам билан табриклаб, иштирок этолмаётган баъзи тармоқ ходимларини яна бир бор фестивалга чорлаган бўлса, тадбир сўнггида Ўзбекистон санъат арбоби, бастакор, ҳайъат раиси Т.Махмудов танловнинг республика босқичига йўланма олган голибларга ютуқ ва камчиликларини айтиб, йўл-йўриқлар кўрсатди.

Ҳалиларга дипломлар, барча иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,
«Ishonch» мухбири



Илк қалдирғоч

Жорий йилда ватанимиз кино санъатининг 100 йиллиги нишонланади. 1908 йили Туркистон тарихида биринчи кинооператор Худойберган Девонов тасвирга туширган кинокадрлар миллий киномизга асос солди.

Худойберган 1879 йили Хўжайлидаги мулклар бошқарувчиси ва кузатувчиси Нурмухаммад Девон оиласида туғилди. Яхши маълумот олди, араб тилини ўрганди. Шейрияга қизиқди, ўзи ҳам шеърлар ёзди. У деярли барча миллий мусика асбобларини чалишни биларди. Бобонлик билан ҳам шуғулланарди. 40 дан ортиқ атиргул навиини еттиштирди.

Хивадан унча узокда бўлмаган Окмачит қўрғонидан немис Вилгелм Пеннер билан учрашув унинг тақдирини ўзгартириб юборди. Фотография билан шуғулланган Пеннер сергайрат ва хар нарсага қизиқувчан хоразмлик йигит қалбида мана шу қасбга меҳр уйғотди. Худойберган бутун умр фотографияга қизиқди, кинематография унинг

умр мазмунига айланди. Асрлар давомида барча тирик жонларни акс эттириш таққиланган бир вазиятда ҳамор-

ча қарашлари билан машхур эди. Айнан Исроом ҳожи даврида Хивада европача шифохона қурилди, пахта тозалаш заводи қад кўтарди, почта, телеграф ва дорихона очилди. Вазирининг шахсий маблағи хисобидан илк дунёвий мактаб қурилди, унда математика, физика, кимё ва инсонпарварлик дарслари ўтилди. Исроом ҳожи фотография соҳасида ўз девонидида котиб бўлиб ишла-

ги билан танишиш мақсадида у ерда 2 ой яшади ва ишлади, сеvimли ишининг барча сирасорларини, айна пайтда филмлар олиш ва уларни монтаж қилишни ўрганди. Х.Девоннов у ерда фото ва киноматериаллардан захира яратди, кинокамера харид қилди...

Ватанига қайтган, суратга олишга киришди. Худойберган ўзи туширган киносюжетларни одамлар гавжум жойларда на-

мухбирига айланди. Х.Девонновнинг киносюжетлари «Союзкиножурнал» чиқишларида берилди. Айнан Х.Девонновнинг ишлари туфайли қўнғирот мамлакатларнинг аҳолиси қадимий Хоразм маданиятидан воқиф бўлди. Афсуски, 1937 йилда у қатъон қилинди. Янгийўлда ташкил қилинган сиёсий мабуслар лагерига жўнатилди ва шу ерда оламдан ўтди. Ватани киноиндустрияси яратган буюк инсон

ратлар, шиша пластинка-негативлар, кинотасмалар, фотоалбомлар ва мўъжизавий равишда сақланиб қолган 593-рақамли «Патэ-Фре-рез» фотокамераси ҳам бўлиб, Х.Девоннов тасвирларини минглаб метр тасмаларга шу асбоб ёрдамида туширган.

2007 йили Франция сенатиде Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жағмараси вакилликнинг «Ўзбек фотографияси антологияси» кўргазма-тақдимоти бўлиб ўтди. Худойберган Девоннов асарлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Бундай кўргазма 2006 — 2007 йилларда Москва ва Женева шаҳарларида ҳам бўлиб ўтди.

Худойберган Девоннов ҳақида китоб ва мақолалар ёзилган, ҳатто ҳужжатли филм ҳам яратилган. Хулоса қилиб айтганда, Худойберган Девоннов ўзбек миллатининг фахрига айланди, у ёқиб кетган чироқ ҳеч қачон ўчмайди. Мустақиллик туфайли унинг истеъдоди издошлари қўлайди. Аминимизки, бу чироқ катта машаалага айланади.

Абдулла ЮСУПОВ

МИЛЛИЙ КИНОМИЗ АСОСЧИСИ

тимиз Худойберган Девоннов Хива хонлигида биринчи фотосуратчи ва кинооператорга айланган. Ҳатто, отаси ўғлини бу қалтис йўлдан қайтаришга қанчалик уринмасин, барибир қайтара олмаслигига ишонди.

Хива хони вазири Исроом хожининг ҳимояси бу ишда унга асқотди, чунки у европа-

ган Худойберган Девонновнинг дастлабки тажрибаларини ҳам қўллаб-қувватлади, 1908 йили Санкт-Петербургга Исроом ҳожи билан бирга Хива делегацияси таркибиде Худойберган Девоннов ҳам бўлганлиги тасдиқ эмас. Худойберган Россия пойтахтида фотография иши қандай ташкил этилганли-

моийш этиб, янги санъатни тартиб қилди. 1920 йили Хоразм Халқ Республикаси эълон қилинди. Худойберган Девоннов молия вазири этиб тайинланди. Утган йиллар давомида у қўнғирот Москва шаҳрида бўлди, янги филмлар олиб келди. «Союзкино» акционерлик жамиятининг кино-

тақдирини ана шундай фожиали тугади. 1958 йили Худойберган Девоннов оқланди. Ҳозирги вақтда унинг архивининг бир қисми Красногорск шаҳрида сақлана-япти. Ноёб материаллар, шунингдек, Девонновнинг Урганчдаги оилавий архивиде турибди. Беҳисоб асарлар орасида фотосу-



Muassis:

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федератсияси

Bosh muharrir:

Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:

Alla DOLJENKOVA,
Anvar YUNUSOV,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib),
Ma'mura ADILOVA,
Mirzohid SODIQOV,
Normamat AHAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Oqsulov NAFASOVA,
Pirinqal QODIROV,
Sag'indiq NIYETULLAYEV,
Shamsi ESONOYEV

Bo'limglar:

Kasaba uqushmalari hayoti 256-87-83
Huquq va xalqaro hayot 256-87-73
Iqtisodiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-83-88

Manzilimiz:

100165,
Toshkent shahri,
«Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail:
ishonch-doverie@mail.ru

Nashr ko'rsatkichi:

133; 134

Navbachi muharrir:

T. Shonayev
Navbachi
D. Rahmonova
Musahhib
N.Yo'ldoshev

Gazeta «Ishonch»ning komputery markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchilar:
H.Abdujalilov va
Y.Mixaylovskiy

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili:
«Buyuk Turon» ko'chasi,
41-uy.

Ўзбекистон Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

h) Tijorat materiallari

Bosishga topshirish vaqti - 21.00.
Topshirildi - 21.30

Byuroyma G — 714
11364 nusxada bosildi
1 2 3 4 5 7 8